

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ
КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ
ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ

**“ФАРМАЦИЯ”
йўналиши**

**“ФАРМАЦЕВТИКА СОҲАСИДА БОШҚАРУВ ВА
ТИЗИМЛИ ТАҲЛИЛ”**
модули бўйича

**ЎҚУВ-УСЛУБИЙ
МАЖМУА**

Тошкент 2016

Мазкур ўқув-услубий мажсума Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2016 йил 6 апрелидаги 137-сонли буйрги билан тасдиқланган ўқув режса ва дастур асосида тайёрланди.

Тузувчи: Тошкент фармацевтика институти, фармацевтика ишини ташкил қилиш кафедраси доценти Саипова Д.Т.

Тақризчи: Yong-Ill Lee, Ph.D.
Editor for Asia, Applied Spectroscopy Reviews
Director, BK21plus Nanobio Research Center
Professor, Department of Chemistry
Changwon National University

Ўқув-услубий мажсума Тошкент тиббиёт академияси Кенгашининг 2016 йил 29 августдаги 1-сонли қарори билан нашрга тавсия қилинган.

МУНДАРИЖА

I. ИШЧИ ДАСТУР.....	2
II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.....	8
III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР.....	12
IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАР	51
V. КЕЙСЛАР БАНКИ.....	56
VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ.....	63
VII. ГЛОССАРИЙ.....	65
VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	68

I. ИШЧИ ДАСТУР

КИРИШ

Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сон Фармонидаги устувор йўналишлар мазмунидан келиб чиқсан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий ва педагогик компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад қиласди.

Ҳамма соҳалар, тармоқлар каби фармацевтикада рақобатнинг ўсиб бориши шароитида дори воситаларини ишлаб чиқарувчи, савдоси билан шуғулланувчи ташкилотлар бозорда ўз мавқеини сақлаб қолиш, уни ривожлантириш, янги бозорларга чиқиш, рақобатбардошликка эришиш, янги дори воситаларини истеъмолчиларга тақдим этиш каби мақсадларни кўзлаш борасида бошқарув жараёни бўйича касбий компетентликни ривожлантириш алоҳида аҳамиятга эгадир. Модулда тизимли ғояларни яратилиши, тизимназариясининг асосий тушунчалари, тизимли таҳлил ва технологиясини, фармацевтика соҳаси тизимларини таҳлил қилиш услуби ва қўйилган масалалар тадқиқини ўрганиш кўзда тутилади.

I. Модулнинг мақсади ва вазифалари

“Фармацевтика соҳасида бошқарув ва тизимли таҳлил” модулининг мақсади: тингловчиларда фармацевтик корхона ва муассасалар фаолиятининг тизимли таҳлили асосида самарали бошқарув жараённинг ташкил этиш учун назарий билимлар ва амалий кўникмалар асосини шакллантириш ва ривожлантириш.

“Фармацевтика соҳасида бошқарув ва тизимли таҳлил” модулининг вазифалари:

- фармацевтика фанларини ўқитишида педагогик фаолият ва олий таълимда ўқитиши жараёнини технологиялаштириш билан боғлиқликда юзага келаётган муаммоларни аниқлаш;
- тингловчиларнинг фармацевтика тизимиning тизимли таҳлили бўйича кўникма ва малакаларини шакллантириш;
- фармацевтика тизимидағи муаммоларини ҳал этиш стратегияларини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этишга ўргатиш.

Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар

“Фармацевтика соҳасида бошқарув ва тизимли таҳлил” курсини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

Тингловчи:

- фармацевтика фаолиятини ташкил қилиш асосларини;
- фармацевтика тизимиning бошқаруви тузилмасини;
- дори воситаларини яратиш ва ишлаб чиқариш қуий тизими;
- фармацевтик ташкилотлар фаолиятининг тизимли таҳлилиҳақида **билимларга** эга бўлиши лозим.

Тингловчи:

- компьютер технологиялари асосида бошқарувнинг самарали тизимини, функцияларини ташкил этиш;
- фармацевтика соҳасида бошқарув жараёни босқичларини ташкиллаштириш;
- тизимли таҳлил ўтказиш асосида бошқарувнинг самарали тизимини ташкил этиш **кўникма вамалакалари**га эга бўлиши зарур.

Тингловчи:

- фармацевтика соҳасида бошқарув жараёнининг элементларини оптималлаштириш;
- фармацевтиканабошқарувини такомиллаштириш **компетенцияларни** эгаллаши лозим.

Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

“Фармацевтика соҳасида бошқарув ва тизимли таҳлил” курси маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Курсни ўқитиши жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик технологиялар ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик технологиялардан;
- ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, ақлий ҳужум, гурухли фикрлаш, кичик гурухлар билан ишлаш ва бошқа интерфаол таълим усулларини қўллаш назарда тутилади.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

Модул мазмуни ўқув режадаги “Фармацевтика соҳасининг тараққиёт йўналишлари ва инновациялари”, “Дори воситаларининг сифатини таъминлаш ва ишлаб чиқаришда ҳалқаро талаблар” ва бошқа ўқув

модуллари билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг касбий педагогик тайёргарлик даражасини орттиришга хизмат қилади.

Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар педагогик муаммоларни аниқлаш, уларни таҳлил этиш ва баҳолашга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

Модул бўйича соатлар тақсимоти:

№	Модул мавзулари	Хаммаси	Тингловчинингўкув юкламаси, соат				Мустакил таълим	
			Аудитория ўқув юкламаси		жами	жумладан		
			назарий	амалий				
1.	Тизимли таҳлил ва унинг кўлланилиши	6	6	2	4			
2.	Ўзбекистон Республикаси фармацевтика тизими ва уни бошқариш	8	6	2	4	2		
	Жами:	14	12	4	8	2		

НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР

1-мавзу: Тизимли тахлил ва унинг қўлланилиши.

Тизим. Тизим элементлари. Элементларнинг ўзаро алоқалари. Тизимларни таснифлаш. Мураккаб ва оддий тизимлар. Сунъий ва табиий тизимлар. Тизимларни ташкил этувчи таркибий қисмлари

2-мавзу: Ўзбекистон Республикаси фармацевтика тизими ва уни бошқариш.

Фармацевтика фаолияти ва уни амалга ошириш асослари. Ўзбекистон Республикаси фармацевтика тизимининг ташкилий тузилиши. Фармацевтика тизимининг таркибий элементлари ва қуи тизимлари. Дори воситалари ва тиббиёт буюмларини ишлаб чиқариш қуи тизими, улгуржи (дистрибуция) ва чакана савдо (дорихоналар) қуи тизими. Фармацевтика бозорининг госпитал сектори. Фармацевтика фаолиятининг назорат рухсатнома қуи тизими. Ўзбекистон Республикаси фармацевтика тизимини бошқарувчи ташкилотлар

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР

1-амалий машғулот: Тизимли тахлил ва унинг қўлланилиши.

Тизим. Тизим элементлари. Элементларнинг ўзаро алоқалари. Тизимларни таснифлаш. Мураккаб ва оддий тизимлар. Сунъий ва табиий тизимлар. Тизимларни ташкил этувчи таркибий қисмлари.

1-амалий машғулот: Ўзбекистон Республикаси фармацевтика тизими ва уни бошқариш.

Фармацевтика фаолияти ва уни амалга ошириш асослари. Ўзбекистон Республикаси фармацевтика тизимининг ташкилий тузилиши. Фармацевтика тизимининг таркибий элементлари ва қуи тизимлари. Дори

воситалари ва тиббиёт буюмларини ишлаб чикариш қуи тизими, улгуржи (дистрибуция) ва чакана савдо (дорихоналар) қуи тизими. Фармацевтика бозорининг госпитал сектори. Фармацевтика фаолиятининг назорат рухсатнома қуи тизими. Ўзбекистон Республикаси фармацевтика тизимини бошқарувчи ташкилотлар.

ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Мазкур модул бўйича қуидаги ўқитиш шаклларидан фойдаланилади:

- маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқиши ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);
- давра суҳбатлари (кўрилаётган лойиҳа ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий холосалар чикариш);
- баҳс ва мунозаралар (лойиҳалар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

БАҲОЛАШ МЕЗОНИ

№	Баҳолаш турлари	Максимал балл	Изоҳ
1	Кейс топшириқлари		1.5 балл
2	Мустақил иш топшириқлари	2.5	0.5 балл
3	Амалий топшириқлар		0.5 балл

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

“SWOT-таҳлил” методи

Методнинг мақсади: мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўлларни топишга, билимларни мустаҳкамлаш, такрорлаш, баҳолашга, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қиласди.



Намуна: “Фармэкс”.фармацевтика корхонасининг SWOT таҳлили

S	Фаолиятининг кўп тармоқлилиги
W	Ассортимент сиёсатининг сустлиги
O	Аҳоли ўртасидаги мавқеининг юқорилиги
T	Рақобатчилари сонининг ошиши

“Кейс-стади” методи

«Кейс-стади» - инглизча сўз бўлиб, («case» – аниқ вазият, ҳодиса, «stadi» – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишини амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади.

Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетида амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибида қўлланилган. Кейсда очик ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ходисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичига қўйидагиларни қамраб олади: Ким (Who), Қачон (When), Қаерда (Where), Нима учун (Why), Қандай/ Қанақа (How), Нима-натижа (What).

“Кейс методи” ни амалга ошириш босқичлари

Иш босқичлари	Фаолият шакли ва мазмуни
1-босқич: Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш	<ul style="list-style-type: none"> • якка тартибдаги аудио-визуал иш; • кейс билан танишиш(матнли, аудио ёки медиа шаклда); • ахборотни умумлаштириш; • ахборот таҳлили; • муаммоларни аниқлаш
2-босқич: Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириғни белгилаш	<ul style="list-style-type: none"> • индивидуал ва гурӯҳда ишлаш; • муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш; • асосий муаммоли вазиятни белгилаш
3-босқич: Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш ўйларини ишлаб чиқиш	<ul style="list-style-type: none"> • индивидуал ва гурӯҳда ишлаш; • муқобил ечим йўлларини ишлаб чиқиш; • ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш; • муқобил ечимларни танлаш
4-босқич: Кейс ечимини ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.	<ul style="list-style-type: none"> • якка ва гурӯҳда ишлаш; • муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш;

- | | |
|--|---|
| | <ul style="list-style-type: none">ижодий-лойиха тақдимотини тайёрлаш;якуний хulosса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиш |
|--|---|

Кейсни бажариш босқичлари ва топшириқлар:

- кейсдаги муаммони келтириб чиқарган асосий сабабларни белгиланг (индивидуал ва кичик гурухда).
- фармацевтика корхонасини ишга тушириш учун бажариладагина ишлар кетма-кетлигини белгиланг (жуфтликлардаги иш).

«ФСМУ» методи

Технологиянинг мақсади: Мазкур технология иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хulosалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хulosалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қиласди. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мустаҳкамлашда, ўтилган мавзуни сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

Технологияни амалга ошириш тартиби:

- қатнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний хulosса ёки ғоя тақлиф этилади;
- ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади;
- иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гурӯҳий тартибда тақдимот қилинади.



ФСМУ таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

Намуна.

Фикр: Тизим кириш ва чиқиш йўлларига эга бўлса, яъни тизимларни маълум вақтда модда, энергия, ахборот киргизиш ва чиқариш имконитлари мавжуд бўлса, бу тизимга таркибий объект сифатида каралади ва бу тизимга динамик тизим деб қаралади.

Топшириқ: Мазкур фикрга нисбатан муносабатингизни ФСМУ орқали таҳлил қилинг.

III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

1-мавзу: Тизимли таҳлил ва унинг қўлланиши.

Режа:

1. Тизим. Тизим элементлари. Элементларнинг ўзаро алоқалари.
2. Мураккаб ва оддий тизимлар.
3. Тизимларни таснифлаш.
4. Сунъий ва табиий тизимлар.
5. Ташкилотни бошқариш тузилмаси

Таянч иборалар: тизим элементи, қўйи тизим, системотехника, системология, лойихалаши.

1.1. Тизим. Тизим элементлари. Элементларнинг ўзаро алоқалари.

Тизим - бу ўзаро боғланган ва ўзаро муносабатда бўлган элементларни шундай йигиндисики, унда улар ўртасидаги ички алоқалар қуввати ташқи алоқалар қувватидан катта ва хусусиятидан фарқли янги мужассамланган хусусиятга эга бўлган, маълум мақсадга йўналтирилган мажмуадир.

Элемент тизимнинг узвий қисми бўлиб, у ташки хусусиятлари нуқтаи назаридан бўлинмайдиган мустақил объект деб тушунилади.

Тизимнинг қўшимча хусусиятлари:

1. Бутунлик - бирон нарса алоҳида бир бутун бўлмоғи учун биринчидан унинг узвий қисмлари орасидаги алоқалари шу қисмлар кўрилаётган бутунликка тегишли бўлмаган бошқа бўлимлар билан алоқаларидан кучлироқ бўлмоғи лозим. Иккинчидан эса кўрилаётган бутунликни ҳар бир бўлимдаги элементлар ўртасидаги алоқалар бўлимлараро алоқлардан кучлироқ бўлиши лозим. Бутунликнинг бу хусусияти уни бўлимларга бўлиш, ажратиш имконини беради.

2. Ташқи мухит билан боғланишилик. Агар саноат корхонасини тизим деб олсак, у учун ташқи мухит сифатида хом ашё, эҳтиёт қисмлар, энергия таъминловчилар, корхонанинг махсулотларини истеъмолчилари бўлади. Агар корхона ишларига об- ҳаво таъсир этадиган бўлса, унда корхона учун ташқи мухит об - ҳаво бўлади. Ёки тескари ҳол, яъни корхона ўз фаолияти билан табиатга таъсир кўрсатса, (масалан, анхор, кўл, ҳавони ифлослантирса) унда табиат тизими учун корхона ташки мухит сифатида кўрилади.

Тизимни таҳлил қилиш жараёнида уни бир неча таркибий қисмларга, яъни қуи тизимларга бўлиш мумкин.

Қуи тизим - бу тизимдан маълум қоидага биноан ажратилган, табиати иҳтиёрий, ўзаро боғланган элементларни бир кисм тўпламидир.

Демак, ҳар қандай тизим қуи тизимдан иборат бўлиб, уларни ҳар бирини мустақил тизим деб қараш мумкин.

Агар тизим кириш ва чиқиш йўлларига эга бўлса, яъни тизимларни маълум вақтда модда, энергия, ахборот киргизиш ва чиқариш имконитлари мавжуд бўлса, бу тизимга таркибий объект сифатида қаралади ва бу тизимга динамик тизим деб қаралади.¹

1.2. Мураккаб ва оддий тизимлар

Тизимларни мураккаб ва содда тизимларга бўлиш мумкин:

- тизимнинг кўп ўлчовлилиги (ўзгарувчилар сонининг кўплиги);
- тизим элементларини ўзаро боғланиши қўплиги (бир хил ёки бир хил сатҳдаги элементларда ўзаро боғланиш);
- элементларнинг табиати хилма - хиллиги;
- илмий нуқтаи назаридан кўп боғланишлиги(тизимни турли даражада тасвирлаш зарурлиги);

¹Shane P. Desselle,David P. Zgarrick. Pharmacy Management Essentials for All Practice Settings. – Mc Grow Hill Medical.- 2014. – P.652


- тизим тузилишини, уни ташкил қилиш усулларини, элементлар ўртасидаги ўзаро алоқаларни шаклларининг хилма- хиллиги;
- тизим таркиби ва ҳосиятлари ўзгаришининг кўплиги (тизимнинг тузилиши, таркиби ва алоқаларнинг ўзгарувчанлиги);
- кўп мезонлик(қуи тизимлар учун маҳаллий мезонлар ва бутун тизим учун умумий мезон, уларнинг ўзаро зиддиятлари).

1.3. Тизимларни таснифлаш.

Тизимларни таснифлаш бир неча омилларга боғлиқ бўлиб, қуида мана шу омилларга кўра тизим қандай таснифланишини кўриб ўтамиш. Ҳар бир омилга алоҳида аҳамият бериб назар солсангиз, қайси тизимни ўрганаётганимиз ва унга боғлиқ бўлган омилларни дарҳол ажратишингиз мумкин.



Демак, тизимлар сунъий ва табиий тизимларга бўлинади.




1.4. Сунъий ва табиий тизимлар.

Сунъий тизим- Инсон иштироқида ташкил этилган тизимлар сунъий тизимлар деб аталади


Табиатан мавжуд бўлган тизимлар **табиий тизим** деб аталади.

Сунъий тизим деб - инсон иштироқида ташкил этилган тизимга айтилади. Сунъий тизимни таҳлил қилиш тизимни ташкил этувчи барча компонентларини таҳлил қилишдан бошланади, яъни тизим қандай компонентлардан ташкил топган, унинг ички ва ташқи алоқалари қайсилар, бу тизим қайси мақсадга йўналтирилган, қаерда, қандай, нима учун фойдаланилади.

Табиий тизимларга қўйидагиларни мисол қилиб келтирсак бўлади.



Сунъий тизимларга эса қуидагиларни мисол қилиб тушунтириш мүмкін.



1.5. Ташкилотни бошқариш тузилмаси

Ахборот тизимини яратиши, ташкилотнинг бошқарув тузилмасини таҳлил қилишдан бошланади

Бошқариш деганда қуидаги вазифаларни амалга ошириш функцияси билан, қўйилган мақсадга эришиш тушунилади:

Ташкиллаштириш – норматив хужжатлар комплекси ва ташкилий тузилмани ишлаб чиқиш; штат жадвали, бўлимлар, лабораториялар ва ҳ.к.

Хисобга олиш – бу функция фирма ёки ташкилот кўрсаткичларининг метод ва формаларини ишлаб чиқади. Масалан; бухгалтерия ҳисботи, молиявий ҳисоб-китоб, бошқарув ҳисботи ва бошқалар.

Тахлил (анализ) – режалаштирилган вазифаларни қай даражада бажарилганлигини аниқлайди

Ҳар қандай ташкилотнинг бошқарув тузилмаси учта поғонага ажратиласди



Расм. Ташкилотни бошқариш тузилмаси умумий кўриниши.

Назорат саволлари:

1. Тизим атамасига таъриф беринг.
2. Тизим элементларига нима киради?
3. Тизим элементларининг ўзаро алоқалари қандай шаклланади?
4. Тизимлар қандай таснифланади?
5. Мураккаб ва оддий тизимларни таърифланг.
6. Сунъий ва табиий тизимларни таърифланг.
7. Тизимларни ташкил этувчи қисмларга тушунча беринг.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Shane P. Desselle, David P. Zgarrick. Pharmacy Management Essentials for All Practice Settings. – Mc Grow Hill Medical. - 2014. – P.652.
2. Harry J. Rosenblatt. Systems Analysis and Design, 10th Edition. - ISBN-13: 9781285171340 . - 2014. – P.760.

3. Imboden D.M., Pfenninger S., Stürchler N. Introduction to systems analysis : mathematically modeling natural systems // Berlin ; New York : Springer, 2015.
4. Valacich J. Essentials of System Analysis and Design, 4th Edition // Joey George, Iowa State University.- 2010.- P.464.
5. АтаджановаМ.П. "Тизимлитаҳлиласослари" 2014.
6. Каримова В. Зайнутдинова М. Назирова Э. Садикова Ш. Тизимли тахлил асослари // Тошкент ахборот технологиялари университети, 2014.- 180б.

2-мавзу: Ўзбекистон Республикаси фармацевтика тизими ва уни бошқариш

Режа:

1. Фармацевтика фаолияти ва уни амалга оширишнинг қонуний асослари.
2. Ўзбекистон Республикаси фармацевтика тизимининг ташкилий тузилиши.
3. Ўзбекистон Республикаси фармацевтика тизимини бошқариш.
4. Янги фармацевтик маҳсулотларни яратувчи ташкилотлар.
5. Дори воситалари ва тиббиёт буюмларини ишлаб чикариш тизими.
6. Дори воситалари ва тиббиёт буюмларининг улгуржи савдоси – дистрибуцияси тизими.
7. Дори воситалари ва тиббиёт буюмларининг чакана савдоси – дорихоналар тизими.
8. Фармацевтика соҳасида назорат-руҳсатнома тизими.

Таянч иборалар: фармацевтика фаолияти, фармацевтика тизими, фармацевтик ишлаб чиқарии, дори воситалари ва тиббиёт буюмлари, дистрибуция, дорихоналар, назорат руҳсатнома тизими.

2.1. Фармацевтика фаолияти ва уни амалга оширишнинг қонуний асослари.

Ўзбекистон Республикасининг «Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисидаги» қонунида берилган таърифга асосан:**Фармацевтик фаолият** — дори воситалари ва тиббий буюмларни яратиш бўйича изланишларни, тадқиқотларни, шунингдек уларни ишлаб чиқариш, тайёрлаш, сифатини назорат қилиш, стандартлаш, рўйхатдан ўгказиш, сақлаш, ахборот бериш, етказиб бериш ва савдосини қамраб оладиган фаолият туридир.

«Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисидаги» қонуни габиноан фармацевтика фаолияти лицензияланадиган фаолият турларига киради. Фармацевтика фаолиятини лицензиялаш Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан амалга оширилади.

Республикамизда фармацевтика фаолиятини лицензиялаш Ўзбекистон Республикасининг “Алоҳида фаолият турларини лицензиялаш тўғрисида”ги қонуни ҳамда бир қатор хукумат қарорлари, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг буйруқларига мувофиқ амалга оширилади [1-6]. Фармацевтика фаолиятини лицензиялаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2003 й. 30 октябрда қабул қилинган “Тиббий ва фаолиятни ва фармацевтика фарлиятини лицензиялаш хақида”ги 477-сон қарорида батафсил келтирилган бўлиб, ушбу қарор кўрсатмаларига биноан амалга оширилади.

Лицензияланадиган фармацевтика фаолияти фаолиятнинг қуйидаги турларини ўз ичига олади:

- а) дори воситалари ва тиббиёт буюмлари ишлаб чиқариш;
- б) дори воситалари ва тиббиёт буюмлари тайёрлаш;

в) дори воситалари ва тиббиёт буюмлари яратиш бўйича илмий-тадқиқот ишлари;

г) дори воситалари ва тиббиёт буюмлари сифатини назорат қилиш;

д) дори воситалари ва тиббиёт буюмларини чакана сотиш;

е) дори воситалари ва тиббиёт буюмларини улгуржи сотиш;

ж) доривор ўсимликлар, ҳайвонот ва минерал асосга эга бўлган хом ашёни етишириш, йиғиш, тайёрлаш, қадоқлаш ва улгуржи сотиш.

«а» — «е» кичик бандларида кўрсатилган фармацевтика фаолияти турларини амалга ошириш ҳуқуқига лицензиялар фақат юридик шахсларга берилади, бунда, «б» ва «д» кичик бандларида кўрсатилган фаолият турларини (турининг бир қисмини) амалга оширишга лицензиялар фақат дорихона муассасаларига берилади.

«а» ва «б» кичик бандларида кўрсатилган фармацевтика фаолияти турларига лицензия олиш лицензиатларга улар ишлаб чиқарган ва тайёрлаган дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмларини улгуржи ва чакана сотиш ҳукуқини беради, бунда, дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмларини чакана сотиш фақат дорихона муассасалари орқали амалга оширилади.

2.2. Ўзбекистон Республикаси фармацевтика тизимини бошқариш

Давлат дори воситаларининг асосий турларини bemalol олишни ва улар сифатли бўлишини кафолатлади.

Тиббий мақсадда кўлланишга рухсат этилмаган дори воситалари ва тиббий буюмлар билан иш кўришнинг барча шакллари тақиқланади.

Тиббиёт амалиётида қўллашга рухсат этилган дори воситаларининг, тиббий буюмларнинг рўйхати Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш

вазирлиги томонидан белгиланади. Давлат органларининг дори воситалари билан таъминлаш соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати дори воситалари билан таъминлаш соҳасидаги сиёсатни белгилайди ва рўёбга чиқаради, дори воситалари ва тиббий буюмлар билан таъминлашга доир соғлиқни сақлаш дастурларини тасдиқлайди ва маблағ билан таъминлайди, уларнинг нархларини назорат қиласи.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари дори воситалари, тиббий буюмлар муомаласини назорат қиласи, дори воситалари билан таъминлаш давлат дастурларини маблағ билан таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ваколатлари:

- давлат буюртмасини тузади ва давлат тиббиёт муассасаларида дори воситалари, тиббий буюмларнинг асосий турлари мавжуд бўлиши устидан назоратни таъминлайди;
- белгилангандар тартибда фармацевтика фаолиятини лицензиялашни амалга оширади;
- Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан белгилангандар тартибга мувофиқ, айrim тоифадаги шахсларга дори воситаларининг имтиёзли берилишини таъминлайди;
- лаборатория, ишлаб чиқариш ва дорихона амалиёти учун хос бўлган стандартларни тасдиқлайди;
- миллий фармакопеяни тасдиқлайди;
- дори воситалари ва тиббий буюмларнинг сифати назорат қилинишини, улар рўйхатдан ўтказилиши, стандартлаштирилиши ва сертификацияланишини таъминлайди;
- наркотик, заҳарли, психотроп, радиофармацевтик (радиоактив), кучли таъсир этувчи дори воситалари ва этил спиртини сотиш, сақлаш, ҳисобга олиш, уларнинг захираларини ҳосил қилиш тартибини белгилайди;

- дори воситалари ва тиббий буюмларнинг давлат реестрини юритади ҳамда вақти-вақти билан эълон қилиб боради;
- дори воситаларининг зарарли таъсирини тасдиқловчи фактлар мавжуд бўлган тақдирда уларни тайёрлаш, ишлаб чиқариш, олиб келиш ва сотишни тўхтатиб қўяди. Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини тўхтатиб қўйишга олиб келадиган дори воситалари тайёрлаш ва ишлаб чиқаришни тўхтатиб қўйиш суд тартибида амалга оширилади.

2.3. Ўзбекистон Республикаси фармацевтика тизимининг ташкилий тузилиши

Республикамиз фармацевтика тизимининг асосий вазифаси ахолини ва даволаш муассасаларини сифатли дори воситалари билан таъминлашдир. Бу фаолият дори воситаларининг муомаласи қуйидаги вазифалар орқали амалга оширилади:

- дори воситаларини яратиш,
- ишлаб чиқариш,
- хориждан келтириш,
- сифатини таъминлаш,
- улгуржи ва чакана савдосини ташкил этиш,
- даволаш муассасаларини таъминлаш.

Ушбу вазифаларни бажарувчи ташкилотларнинг туркумланиши асосида фармацевтика тизимини қуйидаги таркибий қисмларга бўлиш мумкин:

1. Фармацевтик саноат корхоналари
 - хорижий (ваколатхоналари асосида)
 - маҳаллий.

2. Улгуржи фармацевтик ташкилотлар (дистрибьюторлар).
3. Дорихона муассасалари.
4. Фармацевтика хизматининг назорат – рухсатнома тизими ташкилотлари.

Бу ташкилотлар фармацевтика бозорининг инфратузилмасини ташкил этиб, дори воситалари ва тиббий буларнинг якуний истеъмолчиси бўлган беморларнинг талаб ва эҳтиёжини қондиришга ҳизмат қиласи.

Фармацевтика бозорининг самарадор ва етуклиги унинг инфратузилмаси қай даражада ривожланганинига бевосита боғлиқдир. Фармацевтика бозорида инфратузилма – бу бозордаги юқорида қайд этилган асосий субъектлар: ишлаб чиқарувчилар, дистрибьюторлар, чакана савдо ташкилотлари, истеъмолчилар ва бошқалар ўртасидаги ўзаро ҳамкорликдир. Инфратузилманинг ривожи, бир томондан бозорнинг ўсиш суръатлари билан таъминланади, иккинчи томондан ривожланиб бораётган инфратузилма бозорнинг ўсишини рағбатлантиради.

Фармацевтика фаолиятининг аниқ бир турини амалга оширишда ёки уни тартибга солишда бажарилаётган функцияларининг спецификлиги асосида фармацевтика бозори инфратузилмасининг қуидаги асосий элементлари (субъектлари)ни тоифалаш мумкин:

1. Янги фармацевтик маҳсулотни яратувчи ташкилотлар.
2. Фармацевтик ишлаб чиқарувчи корхоналар.
3. Фармацевтик дистрибьюторлар.
4. Чакана дорихона муассасалари.
5. Даволаш профилактика муассасаси қошидаги дорихоналари.
6. Стандартизация, сертификация ва фармацевтик маҳсулотлар сифатини назорат қилиш ташкилотлари.
7. Фармацевтик фаолиятининг назорат-рухсатнома тизими ташкилотлари
8. Даволаш профилактика муассасалари.
9. Ахборот – консалтинг хизмат ташкилотлари.

10. Фармацевтик кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширувчи таълим муассасалари.

11. Дори воситалари ва тиббий буюмлар истеъмолчилари.

Ушбу муассаса, ташкилот ва хизматларнинг ҳамжиҳатликда фаолият юритиши фармацевтика бозоридаги ўзаро муносабатлар тизимини шакллантириб, фармацевтик маҳсулотлар ва хизматларнинг оптимал мумомаласини таъминлаб, фармацевтика бозори инфратузилмасини ташкил этади.

2.4. Янги фармацевтик маҳсулотларни яратувчи ташкилотлар

Дори воситаларини яратиш ва бозорга татбиқ босқичларини таҳлил қилишда дори воситалари оригинал (инновацион) ва генерик препаратларга тоифаланишини ҳисобга олиш зарур.

Оригинал препаратлар - бу компания томонидан ilk бор ишлаб чиқилган ва унинг интеллектуал мулки сифатида фақат ўзигагина тегишли бўлган дори воситаларидир. Инновацион препарат ўз таркибида янги ва бозорда аналоги бўлмаган таъсир этувчи модда сақлайди.

Оригинал дори воситасининг таркибидаги фаол моддаси қонунчилик билан белгиланган тартибда патентланган бўлади. Патентнинг амал қилиш муддати тугамасидан олдин ҳеч қайси бир фармацевтик компания унинг фаол моддасини синтез қилиши ва тижорат ва нотижорат мақсадларида қўллаш хуқуқига эга эмас.

Оригинал препарат яратиш жараёни жудаям катта харажатларни талаб қиласди. Жумладан, яратилган 100 та оригинал молекуладан тижорат сотувигача 10-15% дан кўп бўлмаганлари етиб боради. Шеринг АГ компаниясининг маълумотларига кўра, битта дори воситасини яратиш ва Европа бозорига олиб чиқиши харажатлари 500 млн АҚШ долларидан кам бўлмаган қийматни ташкил этади. Бунда, харажатлар таркиби қўйидагичадир:

- дори воситасини ишлаб чиқиш 40%
- клиник синовлар 35%
- бозорга олиб чиқиш 20%
- рўйхатдан ўтказиш ва патент ишлари - 5%

Охирги 10 йилликда янги фармакологик бирикмаларни яратиш соҳасидаги илмий-техник тараққиёт бирмунча ўсишига қарамасдан дори воситаларини рўйхатдан ўтказиш жараёни кўп вақтни олмоқда. XX асрнинг 80-йиллари бошида янги бирикмани перспектив дори воситаси сифатида тасдиқлаш ва уни рўйхатдан ўтказиш 7-9 йилни ташкил этган бўлса, ҳозирги кунда бу давр 13-15 йилни ташкил этади. Энг аввало бу дори воситаларининг самарадорлиги ва ҳавфсизлиги каби параметрларига бўлган талабнинг ўсиши билан боғлиқ.

Генерик дори воситаси – бу инновацион препарат патент химоясининг амал қилиш муддати тугагандан сўнг унинг таркибидаги фаол моддаси фақатгина уни ишлаб чиқарган ёки сотиш учун биринчи лицензияга эга бўлган фармацевтик компаниясининг мулки деб эътироф этилмайдиган вақтдан сўнг ишлаб чиқариладиган дори воситасидир. Генерик дори воситаси оригинал дори воситасининг фаол моддасига ўхшаш фаол моддадан иборат бўлиб, аммо ёрдамчи моддалар (восита таркибиغا кирувчи консерванлар сифатида кўшилган нофаол ингридиентлар, кўшимчалар, боғловчи моддалар, бўёқлар ва бошқалар) ҳамда ишлаб чиқариш жараёни билан фарқ қилиши мумкин. Генерик дори воситасининг бозорга кириб келиши кўп харажатли тадқиқотлар, клиник синовлар олиб боришни талаб қилмаганлиги сабабли унинг нархи оригинал препартга нисбатан анча паст. Генерик дори воситасининг самарадорлиги оригинал препаратига нисбатан биеквивалентлик даражаси билан аниqlанилади ва у охиргисининг самарадорлигига нисбатан 92-95% ташкил этиши керак.

Генериклар икки хил бўлади:

- брендланган генериклар (машҳур. таниқли савдо номларига эга) – “Упсарин”, “Пенталгин”, “Фезам” ва бошқалар;

- генерик генериклар - ХПН (Халқаро патентланмаган ном) остида сотиладиган дори воситалари - “Диклофенак”, “Ацетсилсалицил кислотаси”, “Эналаприл” каби препаратлар.

Ўзбекистон Республикасида янги дори воситасини яратиш фаолияти билан асосан илмий тадқиқот институтлари (ИТИ) шуғулланади. Бу фаолият лицензиялашни талаб этади. Ишлаб чиқарувчи ташкилотлар қаторига А.Султонов номидаги кимё-фармацевтика ИТИ, Ўсимлик моддалари кимёси ИТИ, Биоорганика ИТИ, Тошкент фармацевтика институти, АБ Биоком компанияси ва бошқалар киради.

Мустақиллик йилларида республикада бир қатор оригинал дори воситалари яратилиб, шу билан биргаликда бозорда харидоргир бўлган генерик дори воситаларини ишлаб чиқариш ҳам амалга оширилмоқда.

Дори воситаларини яратиш, уларни синаш, ишлаб чиқариш, тайёрлаш, сақлаш, йўқ қилишни амалга оширувчи корхоналар, муассасалар ҳамда ташкилотлар дори воситаларининг сифатини назорат қилувчи ички идоравий хизматга эга бўлишлари керак.

2.5. Дори воситалари ва тиббиёт буюмларини ишлаб чиқариш тизими

Дори воситаларини ишлаб чиқариш — дори воситаларини уларни ишлаб чиқариш ҳамда сифатини назорат қилишни ташкил этиш қоидаларига мувофиқ кўплаб ҳосил қилиш, шу жумладан тўлиқ технологик туркум ёки унинг айрим босқичлари: дори воситаларини синтез (биосинтез) қилиш, экстракциялаш, тозалаш, уларга ишлов бериш, уларни қадоқлаш, идишга жойлаш-ўраш ва уларни маркалаш босқичлари бўйича ҳосил қилиш.

Ўзбекистон Республикасида давлат рўйхатидан ўтказилмаган дори воситаларини, қалбакилаштирилган дори воситаларини, шунингдек

Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтказилган дори воситаларининг тайриқонуний нусхаларини ишлаб чиқариш тақиқланади.

Фармацевтика бозорининг бу сектори республика аҳолиси ва даволаш муассасаларини ўз фармацевтика маҳсулотлари билан таъминловчи маҳаллий ва хорижий ишлаб чиқарувчилар билан тақдим этилган.

Хорижий ишлаб чиқарувчилар. Хорижий фармацевтик корхоналари Ўзбекистон фармацевтика бозорида ўз маҳсулотларига бўлган талабни шакллантириш ва маҳсулотларини тақдим этиш мақсадида тиббиёт ваколатхонарини тузиб, уларда маркетинг хизматларини ташкил этишади. Маркетинг хизматининг мутахассислари доимий равишда бозор конъюктурасини ўрганади, товар савдоси бўйича ўз бозор улушларини оширишга ҳаракат қиласидар. Хорижий компаниянинг республикадаги узок муддатли истиқболли фаолиятини таъминлаш, унинг ижобий имиджини шакллантириш концепциясини ҳаётга жорий қилиш мақсадида фармацевтика бозорининг давлат тузилмалари билан ўзаро муносабатларга катта эътибор қаратилмоқда. Айрим хорижий ишлаб чиқарувчилар маҳаллий корхоналар билан биргалиқда ишлаб чиқаришни ташкил этиш лойихаларида иштирок этишга киришдилар.

Ҳозирги пайтда ғарбнинг йирик компаниялари ўз ассортиментида устуворликка эга (яъни инвестиция талаб қиласиган) дори воситалари рўйхатини чеклаган ҳолда, бир ёки икки терапия соҳаси (масалан, кардиология, урология, онкология)да етакчиликка эришишни афзал кўрмоқдалар. Бунда унча устувор бўлмаган препаратлар бўйича асосиз бўлган харажатлардан воз кечган ҳолда, истеъмолчилар орасида анча аниқ мавқега эга бўлишга эришиш мумкин.

Маҳаллий ишлаб чиқариш. Ўзбекистон Республикасидаги бозорнинг ислоҳотлари мамлакат фармацевтика саноатининг шаклланишига асос бўлди. Ислоҳотлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш соҳаси, корхоналарнинг мулкчилик шакллари, фармацевтика корхоналари ва фармацевтика

бозорининг бошқа субъектлари билан ўзаро муносабатлар тизимида намоён бўлди.

Ўзбекистон Республикасида фармацевтика саноатини комплекс ривожлантириш дастурини амалга ошириш мақсадида ЎзР ВМ қарорига асосан “Ўзфармсаноат” давлат акционерлик концерни (ДАК) тузилди.

«Ўзфармсаноат» ДАК вазифалари сифатида қуидагилар белгиланди:

- юқори сифатли дори воситалариларини яратиш ва татбиқ этиш
- ишлаб чиқариш технологиясини ва хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш
- хом ашё базасини ривожлантириш
- хорижий инвестицияларни жалб этиш асосида янги корхоналарни ташкил этиш
- мавжуд ишлаб чиқариш корхоналарини қайта жиҳозлаш.

Қарорда белгиланган вазифаларнинг бажарилиши республикамизнинг маҳаллий фармацевтик саноатини ривожлантиришни таъминлади. Бу ривожланишга ички имкониятларни сафарбар қилиш ва хорижий инвестицияларни жалб қилиш асосида эришилди. Республикализ мустақилликка эришишидан олдин биттагина фармацевтик ишлаб чиқариш корхонаси мавжуд бўлган бўлса, 2000 й. да корхоналарнинг сони 30 га ва ҳозирги пайтда уларнинг сони юздан ортигини ташкил этмоқда.

Белгиланган мақсадларга эришиш учун ва “Ўзфармсаноат” концернининг илмий ишлаб чиқариш потенциали сифатида фармацевтика корхоналари, илмий тадқиқот институтлари ва ташқи иқтисодий фаолият фирмаларини ўз ичига олган тузилмавий бўлимлар шакллантирилди.

Республика хукумати томонидан миллий фармацевтика саноатини ривожлантириш дастури ишлаб чиқилди. Ушбу дастур доирасида GMP

(Good Manufacturing Practice) талабларига жавоб берувчи янги корхоналар яратиш, маҳаллий хом ашё материалларидан фойдаланиш ва хорижий сармояларни жалб этиш кўзда тутилмоқда.

“Ўзфармсаноат” концерни томонидан “Дори воситалари ва тиббий буюмларни ишлаб чиқаришни ва импортини ўрнини босишни кенгайтиришнинг тармоқ дастури” ишлаб чиқилди. Дастурда фармацевтика саноатини келгусида янада ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар комплекси кўзда тутилган бўлиб, уларнинг асосий йўналишлари қўйидагилардан иборат:

- замонавий дори шаклларини ишлаб чиқаришни таъминлаш мақсадида амалдаги корхоналарни модернизациялаш ва реконструкция қилиш;
- замонавий дори препаратларини ишлаб чиқарувчи янги корхоналарни ташкил этиш;
- маҳаллий ва хориждан келтириладиган хом ашёлар асосида субстанциялар ҳамда дори препаратларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш;
- фармацевтика маҳсулотларини ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш.

Бозор инфратузилмасининг шаклланиши ва фармацевтика бозорининг жадал ривожланиши хорижий инвестицияларни ушбу тармоққа жалб этиш ва ўзаро фойдали ҳамкорлик асосида қўшма корхоналарнинг яратилишини рағбатлантиради.

Инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш етакчи фармацевтика компанияларининг тажрибаларини жалб қилишга имкон беради, GMP талаблари асосида замонавий ишлаб чиқариш корхоналарининг яратилишини таъминлайди ва бунга мувофиқ ҳолда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини кафолатлайди. Қўшма фармацевтика корхоналарининг

яратилиши маҳаллий дори воситалари ва тиббий буюмлар ассортиментининг сезиларли кенгайишини таъминлади. Бунда асосий эътибор импорт ўрнини босувчи препаратлар ва биринчи навбатда ҳаётий зарур дори воситалари рўйҳатига кирувчи препаратларни ишлаб чиқаришни ташкил этишга қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикасида ўтказилган иқтисодий ислоҳотларнинг натижалари туфайли фармацевтика секторини ривожлантириш имкониятини яратди. Бунда акционер фармацевтика корхоналари сонининг ўсиши, мулкчиликнинг аралаш ва қўшма турлари асосида фаолият юритаётган фармацевтика корхоналарининг яратилиши, фармацевтика бизнесида хусусий секторнинг кенгайди. Ҳозирги пайтда республикада юздан ортиқ дори воситалари ва тиббиёт буюмларини ишлаб чиқарувчи корхоналар фаолият юритмоқда.

Бошқа ҳар қандай тижорат корхоналари каби фармацевтика корхоналари ҳам фақат олинадиган фойда ҳисобига ривожланади. Ташкилотнинг даромадлилигини ва муваффақиятини таъминлашда, шу жумладан сотув фаолиятида ҳам, асосан тезкор ва ишончли бозор ахборотига эга бўлишdir. Бундай ахборот манбалари турли-туман бўлиб, уларга жуда қиммат турувчи маркетинг тадқиқотлари, маҳсус маълумотлар базаси (IMS нашрлари, Drug Audit маълумотлари). Хамда бу маълумотларни Opinion Leaders - у ёки бу соҳадаги фикрларни шакллантирувчи (давлат муассаларининг маъсул ҳодимлари, ДПМларнинг мансабдор шахслари, тиббиётнинг турли соҳаларидағи етакчи мутахассислар, шунингдек, қасбдошларининг фикрига таъсир ўтказувчи шифокор-мутахассислар) шахслар билан ишлаш жараёнида олиш мумкин. Аҳамиятли оператив маълумотлар олишда тиббиёт вакилларининг роли ўта мухимdir.

Улар худудда юз берәётган ҳар қандай муҳим ҳодисалар: рақобатчилар фаоллигининг ўзгариши, улар ўз дори воситалари промоциясининг янги

турларини татбиқ этаётганини, соғлиқни сақлаш тизимидағи мұхим ўзгаришлар (имтиёзли дори воситалари рўйхатининг тайёрланиши, бюджет маблағларининг тақсимланишидаги ўзгариши ва б.), шунингдек маҳаллий бозорларнинг ўлчамлари ва ўзгариш тенденциялари каби маълумотлар берса олиш имкониятига эга бўлганликлари боис компанияларнинг жойлардаги “кўзлари ва қулоқлари” ҳисобланадилар. Маркетинг бўлими томонидан ўтказилган тадбирлар (симпозиумлар, доира сухбатлари, ташқи реклама, дорихона сотувлари акциялари в.б.) самарадорлиги бўйича тиббиёт вакилларининг маълумотлари ҳам анча мұхим.

Шу тариқа, тиббиёт вакиллари ишининг асосий мақсади савдо ва фойдани кўпайтиришга қаратилган. Шифокорларга дори воситалари ҳақида маълумот бериш, тиббий жамоаларга дори воситалари ва даволашнинг янги усуллари ҳақида энг охирги маълумотларни етказиш, компания имиджини яратиш, реклама материалларини тарқатиш ва ҳоказолар фаолият мақсади эмас, бироқ мақсадга эришиш воситалари ҳисобланади. Фармацевтика компанияси тиббиёт вакилининг асосий вазифаси дори воситалари ва тиббий буюмларини шифокорлар томонидан тавсия этилишини работлантириш йўли билан уларни сотувидан тушадиган фойдани ошириш, шунингдек, дорихоналар ва шифохоналар томонидан ушбу дори воситаларининг харид қилинишини рағбатлантириш. Айнан ана шу мақсад учун реклама материалларини тарқатиш, шифокорлар ҳузурига ташриф буориши, препаратлар бўйича анжуман ва симпозиумлар ўтказиш, дорихона акциялари ва бошқа маркетинг тадбирлари амалга оширилади.

Тиббиёт вакили ишининг самарадорлигини назорат қилиш одатда, вакилнинг ўз бозорини (поликлиникалар, шифокорларни ва б.) билиши, шунингдек, мижозга етказаётган маълумотлари таълим олиш жараёнида олган маълумотларига мос келиш даражасини текширишни ўз ичига олади. Бундай назорат регионал менежерлар томонидан амалга ошириладиган “иккиламчи ташриф” деб аталувчи ташрифлар жараёнида ўтказилиб, унинг

асосий мақсади назорат ва жазолаш эмас, балки тиббиёт вакилига ёрдам бериш, зарурат туғилганды эса уни “майдон”даги ишида қўллаш учун амалга оширилади. Охирги маълумотларга кўра, битта ходимнинг мижозга ташрифи компания учун 20-25 АҚШ доллариға тўғри келиши аниқланган (ва бу ҳаражатлар натижага боғлиқ эмас). Ушбу ҳаражатларга қўйидагилар киради: иш ҳақи, автомобилга ҳизмат кўрсатиш ва уни таъмирлаш ҳаражатлари, шунингдек ташриф вақтида фойдаланиладиган материалларни (брошюралар, мақолалар тўплами, намуналар в.б) ишлаб чиқиш ва тайёрлаш.

Шу тариқа, корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотга талабни шакллантириш бўйича белгиланган мақсадга эришишни таъминловчи фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар ва бозорнинг бошқа субъектлари орасидаги ўзаро муносабатлар шаклланади.

2.6. Дори воситалари ва тиббиёт буюмларининг улгуржи савдоси – дистрибьюцияси тизими

Хорижий ва маҳаллий фармацевтика корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган дори воситалари ва тиббий буюмлар аҳоли ва даволаш муассаларини таъминловчи дорихона муассасаларига етиб бориши улгуржи фармацевтик ташкилотлар (дистрибьюторлар) томонидан таъминланади. Дистрибьюторларнинг асосий вазифасига қўйидагилар киради²:

- фармацевтик бозорни ўрганиш ва дори воситаларига бўлган эҳтиёжни аниқлаш;
- хорижий ва маҳаллий фармацевтик корхоналар билан шартномалар тузиш;

²Shane P. Desselle,David P. Zgarrick. Pharmacy Management Essentials for All Practice Settings. – Mc Grow Hill Medical.- 2014. – P.652.

- хориждан келтирилган товарнинг божхона расмийлаштирилувини ўтказиш;
- ишлаб чиқарувчи корхоналардан товарни қабул қилиш ва жойлаштириш;
- товарнинг сифат назоратини таъминлаш;
- товарнинг тўғри сақланишини ташкил қилиш;
- дорихоналар билан товарни етказиб бериш бўйича шартнома тузиш;
- етказиб бериш жараёнини ташкил этиш, транспортировка,
- фармацевтика бозорида ахборот таъминотини ташкил этиш.

Ушбу фаолиятни амалга ошириш учун улгуржи фармацевтик ташкилотлар таркибида маҳсус жихозланган фармацевтик омбор бўлиши зарур бўлиб, ташкилотнинг фаолияти меъёрий хужжатларда белгиланган тартибда амалга оширилади.

Фармацевтик дистрибьюция тизими, яъни дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан улгуржи савдо қилиш тармоғи Ўзбекистон Республикаси мустақилликни қўлга киритган ва бозор муносабатларининг ривожланаси бошланган пайтдан буён шаклланмоқда. Бу даврга қадар фармацевтика хизмати, шу жумладан улгуржи етказиб бериш тизими тўлиқ давлатга қарашли бўлиб, дорихоналарга дори воситалари ва тиббиётга доир маҳсулотлар етказиб берувчи ягона таъминотчи “Фармация” Республика ишлаб чиқариш бирлашмаси (РИБ) бўлиб, унда марказий дорихоналар омбори ва унинг регионал филиаллари фаолият кўрсатган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 11.03.1994 йилдаги №132 қарори билан “Фармация” (РИБ) “Дори-дармон” давлат акционерлик ассоциацияси (ДАА) сифатида қайта ташкил этилди.

Қарорга кўра қўйидагилар “Дори -дармон” АКнинг асосий вазифалари ва фаолияти йўналишлари сифатида белгиланди:

- аҳолини сифатли дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлаш;
- ҳаётий зарур дори воситалари ва тиббий буюмларига, шу жумладан гиёхванд ва ҳисобда турадиган психотроп препаратларга буюртмаларни шакллантириш ҳамда тузиладиган шартномалар асосида республика соғлиқни сақлаш тизими муассасаларининг уларга бўлган эҳтиёжини таъминлаш;
- Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланадиган рўйхат бўйича давлат резервининг дори воситалари ва тиббиёт буюмларига эҳтиёжларини қондиришни таъминлаш;
- “Дори -дармон” АҚ таркибига кирадиган дорихона муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш, мавжуд фармацевтика маҳсулотлари ресурслари тўғрисидаги ягона республика ахборотлар тизимини яратиш;
- дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлашни ташкил этишга инвестицияларни жалб қилиш, илғор технологияларни жорий этиш.

Ушбу қарорга мувофик “Дори-Дармон” АҚ таркибига кирган корхона ва ташкилотлар рўйхати ва ташкилий тузилмаси тасдиқланди. Ассоциация таркибига “Дори-дармон”нинг худудий бирлашмалари, “Дори-дармон” улгуржи корхоналари назорат-аналитик лабораториялар ва акционер дорихоналар кирди.

Шу билан бир қаторда мулкчилик шакли ва ташкилий шакли турлича бўлган янги улгуржи фармацевтика ташкилотдари тузиш жараёни асосида Ўзбекистон Республикасида фармацевтик дистрибуция тизимининг жадал ривожланиш жараёни бошланди. 2005 йилдан 2011 йилга қадар улгуржи фирмалар сони 192 дан 287 компанияга ортди, ўсиш суръати 66,9% ни ташкил этди. Ўзбекистон фармацевтика бозорида улгуржи бўғиннинг ривожланиш ҳолатидаги жадал ўсиш суръатлари ҳисобига ушбу сегментда

рақобат мұхити ортаётгани кузатилмоқда. Бу эса дистрибуторлар орасидаги рақобат ҳисобига улар томонидан ассортимент ва нарх сиёсатини оқилона шакллантиришга бўлган заруратни вужудга келтирмоқда.

Кейинги йилларда йирик улгуржи компаниялар - дистрибуторлар орасидаги рақобат янада кучайиб: нарх сиёсати ва таклиф қилинаётган дори воситаларининг ассортименти ҳисобига сезиларли афзаликка эришишлари мураккаб бўлгандиги боис улар ўз мижозларига айнан хизмат кўрсатиш савиясини оширишга қўпроқ эътибор қаратмоқдалар.

Ҳозирги пайтда фармацевтик дистрибуция тизимида хорижий стандартларга ўтиш ва улгуржи савдони ташкил этишда илғор технологиялардан фойдаланиш - логистиканинг замонавий тамоилларини татбиқ этиш, ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантириш, товар харид қилиш ва етказиб бериш жараёнларини такомиллаштириш, шунингдек маркетинг комуникацияларини фаоллаштиришга алоҳида эътибор қаратиш кузатилмоқда.

Кейинги вақтларда йирик улгуржи ташкилотларнинг республиканинг турли худудларида ўз регионал омборларини очиш йўли билан ўзининг иштирокини кенгайтириш тенденциялари кузатилмоқда. Шу тариқа, турли худудларда жойлашган дорихона муассасаларига худудда жойлашган кичик улгуржи ташкилотлар ёки марказлаштирилган йирик компанияларнинг филиаллари билан ҳамкорлик қилишда танлов ҳуқуқи берилади. Бу омил худудларда рақобат мұхитини ривожлантириб, оптималь нарх таклифлари, шунингдек, етказиб беришнинг янада сифатли сервис шартлари асосида дори воситалари ва тиббиёт буюмларининг энг яхши ассортиментини танлаш имкониятини яратади.

2.7. Дори воситалари ва тиббиёт буюмларининг чакана савдоси – дорихоналар тизими

Ўзбекистон Республикасининг «Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида»ги қонунига биноан дорихоналарга қуидаги таъриф берилган:

дорихона — дори воситаларини тайёрлаш, қадоқлаш, уларнинг сифатини назорат қилиш, шунингдек даволаш ҳамда касалликнинг олдини олишга мўлжалланган дори воситалари, тиббий буюмларни, санитария ва гигиена ашёларини, шифобахш озиқ-овқатларни, маъданли сувларни, даволаш-косметика маҳсулотларини харид қилиш, сақлаш ва сотишни амалга оширувчи тиббиёт муассасаси.

Дорихона муассасалари жумласига дорихоналар ва уларнинг филиаллари, даволаш ва касалликнинг олдини олиш муассасаларининг дорихоналари киради;

Фармацевтика тизимининг асосий вазифаси бўлган беморларга ҳизмат кўрсатиш ва дори воситалари ва тиббий буюмларнинг чакана савдосини амалга ошириш дорихона муассасаларига юклатилган³. Республикаизда фаолият юритадиган дорихоналар фаолият турига кўра икки ҳил бўлади – очиқ турдаги (аҳолига ҳизмат қиласиган дорихона муассасалари) ва даволаш-профилактика муассасалари қошидаги дорихоналар (шифохона дорихоналари).

Аҳолига ҳизмат қиласиган дорихона муассасалари дори воситаларини шифокор рецепти бўйича ва рецептсиз сотиш хукуқига эга бўлиб, таъсис этилиши бўйича улар хусусий ва акционер дорихона сифатида фаолият юритиши мумкин. Бу дорихонанинг вазифаларига қуидагилар киради:

³Shane P. Desselle,David P. Zgarrick. Pharmacy Management Essentials for All Practice Settings. – Mc Grow Hill Medical.- 2014. – P.652.

- ахолидан рецептларни қабул қилиш ва улар асосида дориларни бериш;
- рецепт асосида дори тайёрлашни ташкил этиш;
- тайёрланган дори воситаларининг сифатини назорат қилиш;
- рецептсиз беришга рухсат этилган дори воситаларининг савдосини ташкил этиш;
- ахоли ўртасида санитария – маориф ишларини ўтказиш;
- биринчи тиббий ёрдамни ташкил этиш;
- дорихонада санитария тартибини сақлаш

Шифохона дорихоналари даволаш муассасасининг таркибида унинг бир бўлинмаси сифатида фаолият юритиб, фақат шу шифохонада даволанаётган bemorlarга хизмат кўрсатади. Бунда даволанаётган bemorlarning врач кўригидан кейин белгиланган дори воситалари ва даволаш жараёни учун зарур бўлган тиббий буюмлар катта хамшира томонидан белгиланган тартибда талабномага расмийлаштирилиб, дорихонага тақдим этилади. Талабномага асосан талаб қилинган дори воситалари ва тиббий буюмлар дорихона томонидан таъминланади. Дорихонага улгуржи фармацевтик ташкилотлар томонидан келтирилган барча дори воситалари ва тиббий буюмлар қиймати шифохонанинг ҳисоб рақамидан тўланади. Барча турдаги дорихоналар ўз фолиятини меъёрий хужжатларининг талабига мувофиқ олиб борадилар.

Фармацевтика бозори инфратузилмасининг чакана бўғинидаги ривожланиш даври ҳам Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 11.03.1994 йилда №132 сонли “Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги дорихона муассаларини хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқариш ҳақида”ги қарори билан боғлиқ. Белгиланган тартибга мувофиқ 86% дорихона муассасалари давлат тасарруфидан чиқарилди, ва уларнинг фаолияти ҳусусий ва акциядор мулкчилик шаклида

қайта ташкил этилди. Юқорида кўрсатилган ислоҳотлар аҳолига хизмат кўрсатувчи дорихоналарга тегишли бўлиб, шифохона қошидаги дорихоналар фаолияти аввалги тартибда қолди.

Агар шунга қадар “Фармация” РИБ республикадаги барча дорихона тармоғини марказлашган бошқарувини шунингдек, таъминотини амалга оширган бўлса, қайта ташкиллаштирилган “Дори-дармон” ДАА факат ўз таркибиға кирган акционерлик дорихоналари фаолиятини бошқариш ваколатига эга бўлди. Ҳозирги пайтда “Дори-дармон” акционерлик компанияси ижтимоий йўналтирилган дорихоналарнинг кенг тармоғи, худудий омборхоналари мавжуд “Дори таъминоти” улгуржи савдо ташкилоти, шу билан бирга фармацевтика ишлаб чиқариш корхонасига эга бўлган энг йирик кўп профилли ташкилотdir.

Кейинги даврда фармацевтика соҳасида кичик бизнес ва тадбиркорликнинг қўллаб қувватланиши натижасида жуда кўп миқдорда хусусий дорихоналар очилди. Ҳозирги вақтда фармацевтика бозорининг чакана бўғинида аҳолига ҳизмат кўрсатувчи 5000дан ортиқ хусусий ва 1250 та акционерлик дорихоналари фаолият юритмоқда.

Фармацевтика соҳасидаги модернизация жараёнлари таъсирида чакана бўғин фаолиятида ҳам янги технологияларнинг қўлланилиши кузатилмоқда, бунга дорихоналар тармоғини ташкил этиш асосида янгича хизмат кўрсатиш турларини татбиқ этиш мисолларини келтириш мумкин. Бунда дорихоналар тармоғида дорихона муассаларининг ягона вертикал бошқаруви асосида дори таъминоти, логистика, ассортимент, нарх сиёсати бўйича ягона сифат стандартини таъминлаш, мутахассисларнинг қасбий даражасига ягона ёндошув, молиявий, юридик ва маркетинг хизматларини марказлаштириш имкониятлари яратилади.

Даволаш профилактика муассалари дорихоналари. Фармацевтика хизматининг асосий вазифаси аҳолига ҳизмат кўрсатиш билан бирга

даволаш профилактика муассаларни дори воситалари ва тиббий буюмлар билан таъминлаш вазифасини бажаради. Даволаш профилактика муассасалари – республика, вилоят, туман шифохоналари, клиникалар, тиббиёт марказлари, оиласвий поликлиникалар, қишлоқ врачлик пунктдари, санаторий-профилакторийлар, реабилитация марказлари ва бошқа тиббиёт муассасалари фармацевтика бозорининг госпитал сегменти (бўғини)ни ташкил этади. Бозор муносабатлари фармацевтика бозорининг госпитал сегментини дори воситалари ва тиббий буюмлар билан таъминлаш тизимига ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Бу тизим ҳозирда ҳалқаро талабларга мос равишда босқичма-босқич ривожланмоқда, бу ислоҳотлар инновацион ёндошувлар асосида амалга оширилмоқда. Буларга ДПМ лар томонидан амалга ошадиган харидларда “рақобатли нархлар” асосида ўтказиладиган харидлар ёки тендер харидлари мисол бўлиши мумкин.

2.8. Фармацевтика соҳасининг назорат руҳсатнома тизими

Фармацевтика тизимида муомалада бўладиган дори воситалари ва тиббий буюмлар алоҳида ахамиятга эга бўлган маҳсулотдир, чунки у самарали, сифатли ва безара бўлиши керак. Шу сабабли фармацевтика хизматидаги назорат – руҳсатнома тизими ташкилотларининг фаолияти ушбу талабларнинг бажарилишини назорат қилишга қаратилган. Уларга дори воситаларини стандартлаштириш, сифатини назорат қилиш, сертификатлаштириш каби вазифаларни бажарувчи муассасалар, ҳамда фармацевтика фаолиятини лицензиялаштириш ва фармацевтика фаолиятининг назоратини ўтказиш идоралари киради.

Ўзбекистон Республикаси фармацевтика хизматининг назорат-руҳсатнома тизими - дори воситалари, тиббий буюмлар, тиббий техника, тиббий-профилактик ва тиббий-косметик воситаларнинг сифатини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар мажмуини белгиловчи ташкилий тузилмадир.

Назорат рухсатнома тизимининг вазифаси – дори воситалари ва тиббиёт буюмларининг фармацевтика амалиётида ишлатиш учун рухсат бериш ва тадбиқ этиш босқичида тўлақонли ўрганилишини таъминлаш, корхоналар томонидан сифатсиз маҳсулотнинг ишлаб чиқарилиши ёки мамлакатга хориждан олиб келиниши, сақланиш ва сотиш (тарқатиш) шароитларининг бузилиши билан боғлиқ нохуш оқибатлардан истеъмолчиларни ҳимоя қилишdir.

Дори воситаларини яратиш, ишлаб чиқариш ва сотиш жараёнларида уларнинг сифатини таъминлашга бўлган талаблар доимий равища ўсиб боришининг сабаби воситаларнинг сифати уларнинг хавфсизлиги ва самарадорлиги билан узвий равища боғлиқлиги билан белгиланади. Шу билан бирга, дори воситалари сифатининг таъминланиши ҳар бир бемор ва бутун бир жамиятнинг хавфсизлиги таъминланишининг кафолатидир.

Фармацевтика маҳсулотлари, даволаш озиқ-овқатлари ва тиббий техника сифатини назорат қилиш, стандартлаштириш ва сертификатлаштириш соҳасида ягона давлат сиёсатини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 25 майдаги №181-сон Қарорига мувофиқ Дори воситалари ва тиббий техника сифатини назорат қилиш Бош бошқармаси (ДВ ва ТТСНББ) ташкил этилди.

ДВ ва ТТСН Бош бошқармаси Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ташкилий тузилмаси ҳисобланиб, ўзининг фаолиятида ҳукумат фармонлари, қонунлар, қарорлар, Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилотининг тавсияномаларига вазирлик буйруқ ва йўриқномаларига амал қиласи.

ДВ ва ТТСН Бош бошқармасининг вазифалари:

- Дори воситалари, тиббиёт буюмлар ва тиббий техника сифатининг давлат назоратини ташкил этиш ва стандартлаштириш;

- Дори, профилактика ва диагностика воситаларининг экспертизасини, клиникагача ва клиник синовларини, ҳамда тиббий техника ва тиббиёт буюмларининг клиник ва техник синовларини ташкил этиш.
- Дори, профилактика ва диагностика воситалари ва буюмларига оид меъёрий-техник ҳужжатлар - фармакопея мақолалари (ФМ), вақтинча фармакопея мақолалари (ВФМ), спецификациялар ва бошқа ҳужжатларни тасдиқлаш ва экспертизасини ташкил этиш.
- Махаллий ва хорижий дори, профилактика, диагностика воситалари, тиббий техника, тиббиётда қўлланиладиган буюмларни сертификатлаштириш ва давлат рўйхатидан ўтказиш.
- Давлат фармакопеяси, Давлат реестри ва бошқа меъёрий ҳужжатларни нашр этишга тайёрлаш ва чоп этилишини ташкил этиш.
- Дори воситаларининг муомаласи соҳасида фаолият юритаётган юридик ва жисмоний шахсларга илмий-услубий хизматлар кўрсатиш.

Бош бошқарма олдига дори воситалари бозоридаги вазиятнинг систематик таҳлили, янги дори воситалари, тиббиёт жиҳозлари ва буюмларини рўйхатдан ўтказиш, маълум воситаларни қайта рўйхатдан ўтказиш ва тадқиқотлар ўтказиш тизимини қайта ишлаш вазифалари туради.

Дори воситалари ва тиббий техника сифатини назорат қилиш бош бошқармасининг таркибий тузилмалари

ДВ ва ТТСН Бош бошқармаси таркибига: Фармакология ва Фармакопея қўмиталари, Дори воситаларини экспертизаси ва стандартлаштириш Давлат маркази, фармацевтик назорат бўлими, гиёҳвандлик воситалари назорати ва янги тиббий техника бўйича қўмиталари дори воситалари, тиббий техника ва тиббий буюмларни қайд этиш бюроси каби таркибий тузилмалар киради.

Фармакология қўмитаси

Фармакология қўмитаси дори, диагностика ва профилактика воситаларини тиббиёт амалиётида қўллаш мақсадида уларнинг (клиникагача ва клиник) синовларини ўтказиш учун белгиланадиган талабларни ишлаб чиқиши, бу синов натижаларини таҳлил қилиш, дори воситаларининг тиббиёт амалиётига тадбиқи учун тавсиялар ишлаб чиқиши каби йўналишлар бўйича фаолият юритувчи орган ҳисобланади. Шунингдек Фармакология қўмитаси самарасиз ва эскирган дори воситаларини Давлат Реестридан чиқаришга тавсия этиш вазифасини ҳам бажаради.

Дори воситасининг **клиникагача синови** унинг фармакологик таъсирини (дори моддаларининг физик-кимёвий хусусиятлари) ўрганиш, шу жумладан тажриба хайвонларида синаш ва дори шаклини яратиш мақсадида ўтказилади. Клиникагача синовнинг асосий мақсади дори воситасининг етарли равишда самарадорлигини ва организмга бўлган ножўя таъсирлар даражасини аниқлашдир.

Клиник синов – дори воситаси самарадорлиги ва хавфсизлиги bemорларда аниқланиши ёки тасдиқланишидир, бу синовлар фармакология қўмитасининг клиник базаларида шартнома асосида ўтказилади. Клиник синовларни ўтказиш тартиби ва босқичлари ЎзР ССВ нинг 2001 йил 25 июль 334-сон буйруғига биноан тасдиқланган.

Клиник синовнинг I босқичи –дори воситасининг хавфсизлигини дастлабки баҳолаш ҳамда унинг фармакокинетикаси ва фармакодинамикасини розилик билдирган катта ёшлиқ bemорларда ўрганиш асосида даволаш дозаларининг бошлангич схемасини аниқлаш мақсадида ўтказилади.

Клиник синовнинг II босқичи дори воситасининг терапевтик самарадорлигини ва қисқа муддатдаги хавфсизлигини баҳолаш, муқобил

терапевтик дозаларни, самарадорликнинг дозаларга боғлиқлигини аниқлаш мақсадида ўтказилади.

Клиник синовнинг III босқичи одатда дори воситаси қайд этилгандан сўнг ўтказилиб, бунда унинг терапевтик самарадорлиги ва хавфсизлиги тасдиқланиб, узоқ муддатли нохуш ёки бошқа касалликларга боғлик таъсирлари аниқланади.

Клиник синовнинг IV босқичи дори воситасининг бозордаги муомаласи бошлангандан сўнг ўтказилади. Бу синовларнинг мақсади – дори воситасининг терапевтик аҳамиятини, унинг келажакдаги қўлланиш стратегиясини белгилаш, ҳамда ножўя таъсир доираси, бошқа дорилар билан мутаносиблиги бўйича қўшимча маълумотлар олишdir.



Фармакопея қўмитаси

Фармакопея қўмитаси дори, диагностика ва профилактика воситалари, шунингдек фармацевтикада ишлатиладиган ёрдамчи воситаларни, стандартларни экспертизадан ўтказувчи, амалиётга жорий этилишини таъминловчи бўлимдир.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Фармакопея қўмитаси вазирликнинг 1992 йил 14 апрелидаги 227-сон буйруғига биноан Тошкент фармацевтика институти қошида ташкил этилди. 1994 йил 22 июлида “Ўзфармсаноат” Давлат-акционерлик концерни тасарруфига ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 25 майдаги 181-сон “Доривор воситалар, тиббий буюмлар ва даволаш-профилактика озиқ-овқатлари сифати устидан давлат назоратини ташкил этиш тўғрисида”ги қарорига биноан Фармакопея қўмитаси “Ўзфармсаноат” давлат акционерлик концерни ихтиёридан қайта Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизими тасарруфига ўтказилди ва шу кунга қадар Дори воситалари ва тиббий техника сифатини назорат қилиш Бош бошқармаси таркибида фаолият юритмоқда.

Фармакопея қўмитасининг асосий вазифалари қўйидагилардан иборат:

- дори, диагностика, профилактика воситаларини яратувчи ташкилотлар томонидан тақдим этилган меъёрий-техник ҳужжатлар (МТХ) лойиҳаларини экспертизадан ўтказиш, уларнинг сифатини талаблар даражасига қўтариш ва тасдиқлаш учун тақдим этиш;
- Ўзбекистон Республикаси Давлат Фармакопеясини чоп этишга тайёрлаш;

- Дори ва ёрдамчи воситаларга қўйиладиган умумий стандарт талаблари ва назорат усулларини яратиш, мавжудларини такомиллаштириш;
- Республикадаги дори воситалари назорат-таҳдил лабораториялари, дорилар муомаласига алоқадор бўлган ташкилот ва муассасаларни МТХлар билан таъминлаш;
- Дори воситаларини яратиш, ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, сифат назоратини амалга ошириш, сақлаш бўйича бошқарув ҳужжатлари ва йўриқномаларни тайёрлаш ва амалиётга жорий этиш.

Дори воситаларининг экспертизаси ва стандартлаштириш

Давлат маркази

ДВТТСН Бош бошқармаси қошидаги дори воситаларини экспертизаси ва стандартлаш Давлат маркази (ДВЭСДМ) Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 25 майдаги 181-сонли қарорининг ижроси сифатида ЎзР ССВнинг 1995 йил 6 июндаги 250-сонли буйруғига биноан ЎзР ССВ қошидаги дори воситаларни стандартлаштириш ва сифатини назорат қилиш лабораторияси базасида ташкил этилган.

ДВЭСДМ асосий вазифаси Республикада ишлаб чиқарилган ва импорт бўйича келтирилаётган дори, профилактика, диагностика воситалари ва тиббий техника, тиббиётда ишлатиладиган буюмлар ва даволаш-озиклантириш маҳсулотларининг сифатини давлат назорўйхатидан ўтказиш; дори воситаларини стандартлаштириш, сифатни назорат қилиш усулларини такомиллаштириш, янги усуласарни ишлаб чиқиш ва шунингдек, янги дори воситаларини яратиш бўйича илмий-тадқиқот ишларини ўтказиш.

ДВЭСДМ ўз таркибида қуидаги бўлимлар мавжуд:

- Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат назорати лабораторияси;

- Фармако-токсикологик тадқиқотлар лабораторияси;
- Вакцина, зардоб воситалар ва микробиологик тадқиқотлар лабораторияси;
- Тиббий техника сифатини назорат қилиш лабораторияси;
- Илмий-услубий ва ахборот бўлими.

Давлат маркази лабораториялари дори воситаларининг сифат назоратини ўтказиш учун АҚШ, Германия, Буюк Британия каби давлатларнинг етакчи фирмалари томонидан ишлаб чиқарилган замонавий ускуналари билан жиҳозланган, Дори воситаларини сертификатловчи орган ҳисобланади. Андижон, Самарқанд, Ургенч ва Қарши шаҳарларида Давлат марказининг филиаллари мавжуд.

Дори воситалари стандартизацияси ва экспертизаси давлат марказида илмий – услубий ва ахборот ҳамда сертификатлаштириш бўлимлари мавжуд.

Илмий услубий ва ахборот бўлими – Республикада фармацевтика соҳаси бўйича илмий – амалий янгиликларни мазкур соҳа мутахассисларига ва ахолига етказиш билан шуғулланади. Ушбу вазифалар “Ўзбекистон фармацевтика хабарномаси” ва ҳар йили бир марта чиқариладиган “Ўзбекистон Республикаси Дори воситалари ва тиббиёт буюмларининг Давлат реестри”ни тайёрлаш ва чоп этиш йўли билан амалга оширилади.

Сертификатлаштириш сектори тиббиёт буюмлари ва дори воситаларига мувофиқлик сертификатини беради.

Гиёҳвандлик воситалари назорати қўмитаси

Гиёҳвандлик воситалари назорати қўмитаси - гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекорсорлар ноқонуний муомаласининг олдини олиш бўйича фаолият олиб борувчи Ўзбекистон Республикасининг ваколатли органи ҳисобланади.

Қўмитанинг вазифалари:

- гиёхвандлик воситалари, психотроп моддалар, прекурсорларга оид меъёрий ҳужжатларни тайёрлашда иштирок этади;
- 1961, 1971 ва 1988 йиллардаги Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Конвенциялари тавсияномаларига мос равишда гиёхвандлик воситалари, психотроп моддалар, прекурсорлар рўйҳатини кўриб чиқишида қатнашади;
- гиёхвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг қонуний муомаласи устидан назорат қилишни таъминлайди; вазирликлар, ташкилотлар буюртмалари асосидаги тиббиёт ва илмий мақсадларда фойдаланиладиган гиёхвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни назорат қиласди;
- гиёхвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни Ўзбекистон Республикасига олиб кириш ва Республикадан олиб чиқиш бўйича хукуқий шахсларнинг аризаларини кўриб чиқади;
- гиёхвандлик воситалари, психотроп моддалар, прекурсорларни Ўзбекистон Республикасига олиб кириш ва Республикадан олиб чиқиш хукуқини берувчи сертификатларни белгиланган тартибда расмийлаштиради;
- гиёхвандлик воситалари, психотроп моддалар, прекурсорлар экспертизасининг янги усууларини баҳолашда қатнашади;
- Ўзбекистон Республикасининг гиёхванд воситаларга бўлган эҳтиёжини жамлайди ва БМТ нинг гиёхвандлар назорати қўмитасига квота ажратиши учун юборилади;
- БМТ нинг гиёхвандлик воситалари муомаласи бўйича ҳалқаро гиёхвандлар назорати қўмитасига Ўзбекистон Республикаси бўйича ҳисоботларни тақдим этади.

Фармацевтик назорат бўлими

Фармназорат бўлимининг асосий вазифаси - дори воситалари ва тиббий буюмлари бўйича сифат стандартлари талабларини бажарилишини, шу жумладан сертификатланган маҳсулотларни ишлаб чиқариш, тайёрлаш, сифатини назорат қилиш, саклаш, ташиш, сотиш ва қўллаш жараёнида назоратни амалга оширади. Ҳўжалик юритувчи субъектлар томонидан фармацевтика ва тиббий маҳсулотларга қўйиладиган давлат ва тармоқ стандартларининг (фармакопея мақолалари, техник шартлар, ишлаб чиқариш регламентлари, технологик йўриқномалар ва бошқа техникавий ва меъёрий ҳужжатлар) талабларига риоя этилишини назорат қиласди. Дори воситалари ва тиббий буюмлар ишлаб чиқариш корхоналарида ишлаб чиқаришни, ишлаб чиқарилаётган, ҳамда, сотилаётган дори воситалари ва тиббий буюмларнинг сифатини амалдаги стандартларга риоя этилишини назорат қиласди. Дорихона муассасаларида дори воситаларини тайёрлаш, саклаш ва сотиш жараёнларида амалдаги стандартларга риоя этилишини назорат қиласди. Фармацевтика фаолиятини амалга оширувчи ваколатланган назорат-таҳлил лабораторияларида амалдаги стандартларга риоя этилишини назорат қиласди.

Ҳўжалик юритувчи субъектларда Бош бошқарманинг сифатни яхшилаш ва стандарт талабларига жавоб бермайдиган дори воситалари ва тиббий буюмлар ишлаб чиқарилишини ва сотилиши олдини олиш бўйича ёзма кўрсатмалари бажарилишини назорат қиласди. Дори воситалари ва тиббий буюмларнинг сифатига тааллуқли бўлган аризалар ва шикоятлар бўйича Бош бошқарма орқали қонунда белгиланган тартибда чораларни кўради.

Фармназорат бўлими ходимлари Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни саклаш вазирлигининг Фармацевтика фаолияти бўйича лицензия комиссияси ишида иштирок этади, яъни Фармназорат бўлимининг ваколатлари доирасида Фармацевтика фаолиятини амалга оширувчи

хўжалик юритувчи субъектларнинг шарт-шароитларига эксперт хулосаларини беради. Фармацевтик фаолиятни лицензиялаш тўғрисидаги Низомини ва лицензия шартномалари талабарини бажарилишини назорат қиласди.

Янги тиббий техника қўмитаси - Республикага олиб кирилаётган ва Республикада яратилган янги тиббий техникани таҳлил ишорасини амалга ошириб, қайд этиш руҳсатномасини тайёрлайди, бу қўмита ишида тиббий техника жиҳозлари ва маҳсулотлари сифатини назорат қилиш лабораторияси ёрдам беради.

Малака ошириш бўлимида – Жаҳон Соғликни сақлаш ташкилотининг “Яхши ишлаб чиқариш амалиёти” (GMP) қоидалари ва талаблари асосида маҳаллий ишлаб чиқариш корхоналари мутахассисларини қайта тайёрлаш ташкил этилган.

Метрология бўлими – сертификация бўлимига синов ўтказиш учун топширилган тиббий буюмлар ва техниканинг меъёрий хужжатларга мослигини синовлар асосида текширади.

Қайд этиш бюроси – чет эл ва маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан тавсия этилаётган дори воситалари ва тиббий техникани Республикада сотишга руҳсат этиш учун қайд этиш хужжатларини расмийлаштиради.

Назорат саволлари:

1. Фармацевтика фаолияти тушунчасини таърифланг.
2. Фармацевтика фаолиятини амалга оширишнинг қонуний асослари.
3. Ўзбекистон Республикаси фармацевтика тизимининг ташкилий тузилишини ёритиб берин.
4. Дори воситалари ва тиббий буюмларини ишлаб чиқариш тизими қандай шаклланган?

5. Дори воситалари ва тиббий буюмларининг улгуржи савдоси – дистрибуцияси тизими қандай ташкилотлардан иборат?
6. Дори ва тиббий буюмларининг чакана савдоси – дорихоналар тизимини таърифланг.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Shane P. Desselle,David P. Zgarrick. Pharmacy Management Essentials for All Practice Settings. – Mc Grow Hill Medical.- 2014. – P.652.
2. Абдусатторова Х.М. “Инновация стратегияси” ўқув қўлланма – Т.: Тафаккур бўстони, 2012. – 240-б.
3. Акбарходжаева З.З. “Инновацион менежмент”. Ўқув-услубий мажмуа. –Т.: ТДИУ. 2012. 214-б.
4. Ричард Дафт МВА Менеджмент. 10-е издание..Пер. с англ.. -СПб.: Питер, 2014. -658 с.
5. Саипова Д.Т. «Фармацевтик менежмент» фанидан ўқув-услубий кўрсатмалар тўплами. – Т., 2011. – Б.185.
6. Саипова Д.Т. Фармацевтический менеджмент // Курс лекций. – Т., 2015. – С. 232.

IV.АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ


1-амалий машғулот: Тизимли таҳлил ва унинг қўлланилиши

Ишдан мақсад: Тингловчиларда фармацевтика соҳасида бошқарув жараёнига тизимли ёндашувни қўллаш бўйича назарий билимларни ва амалий кўникмаларни шакллантириш.

Масаланинг қўйилиши: Фармацевтика соҳасидаги маълум бир фармацевтик фаолият тури бўйича тизимли таҳлилни амалга ошириш

Ишни бажариш учун намуна:

Дори воситалари ва тиббий буюмлар сифатини таъминлаш соҳасида муаммоларнинг тизимли таҳлилини амалга ошириш.



Назорат саволлари:

1. Тизим ва унинг бошқарув жараёнидаги аҳамияти
2. Тизим элементларини таърифланг.
3. Элементларнинг ўзаро алоқалари.

4. Тизимларни таснифлаш.
5. Мураккаб ва оддий тизимлар.
6. Сунъий ва табиий тизимлар.
7. Тизимларни ташкил этувчи таркибий қисмлари
8. Тизимлар қайси хоссалари билан бири биридан фарқланади?
9. Тизим таснифини барча таркиби бўйича таснифлаб беринг.
10. Табиий тизим нима?
11. Сунъий тизим нима?
12. Мураккаб ва оддий тизимлар деганда нимани тушунасиз?
13. Очиқ ва ёпиқ тизимларнинг қандай турлари мавжуд?
14. Тизим қандай таркиб бўйича грухланади?
15. Қуий тизим тушунчалари.
16. Тизимнинг ўзаро боғлиқлиги.
17. Тизимни ташкил этувчи элементлари.
18. Тизимнинг таркибий қисмлари.
19. Динамик тизим нима.
20. Тизимнинг кириш ва чиқишилари.
21. Элементларнинг ўзаро боғлиқлиги.
22. Алоқалар хилма – хиллиги.
23. Ахборот тизимларини қўллаш халқ хўжалигида қандай қулайликлар яратади.
24. Бошқариш нима?
25. Тизим структураси.
26. Декомпозиция усули.
27. Композиция тушунчаси.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Shane P. Desselle, David P. Zgarrick. Pharmacy Management Essentials for All Practice Settings. – Mc Grow Hill Medical.- 2014. – P.652.
2. Harry J. Rosenblatt. Systems Analysis and Design, 10th Edition. - ISBN-13: 9781285171340 .- 2014. – P.760.
3. Imboden D.M., Pfenninger S., Stürchler N. Introduction to systems analysis : mathematically modeling natural systems // Berlin ; New York : Springer, 2015.
4. Valacich J. Essentials of System Analysis and Design, 4th Edition // Joey George, Iowa State University.- 2010.- P.464.
5. Каримова В. Зайнутдинова М. Назирова Э. Садикова Ш. Тизимли тахлил асослари // Тошкент ахборот технологиялари университети, 2014.- 180б.


2-амалий машғулот: Ўзбекистон Республикаси фармацевтика тизими ва уни бошқариш

Ишдан мақсад: Тингловчиларда фармацевтика соҳасида бошқарув жараёнига тизимли ёндашувни қўллаш бўйича назарий билимларни ва амалий кўникмаларни шакллантириш.

Масаланинг қўйилиши: Фармацевтика соҳасидаги маълум бир фармацевтик фаолият тури бўйича ўтказилган тизимли таҳлиласосида бошқарув жараёнини такомиллаштириш йўналишларини белгилаш.

Ишни бажариш учун намуна:

Дори воситалари ва тиббий буюмлар сифатини таъминлаш соҳасида муаммоларнинг тизимли таҳлили асосида ушбу соҳада бошқарув жараёнини такомиллаштириш йўналишларини белгилаш.



Назорат саволлари:

1. Фармацевтика фаолияти ва уни амалга ошириш асослари.
2. Ўзбекистон Республикаси фармацевтика тизимининг ташкилий тузилиши.
3. Фармацевтика тизимининг таркибий элементлари ва қуий тизимлари.
4. Дори воситалари ва тиббиёт буюмларини ишлаб чикариш қуий тизими, улгуржи (дистрибуция) ва чакана савдо (дорихоналар) қуий тизими.

5. Фармацевтика бозорининг госпитал сектори.
6. Фармацевтика фаолиятининг назорат рухсатнома қўйи тизими.
7. Ўзбекистон Республикаси фармацевтика тизимини бошқарувчи ташкилотлар

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Shane P. Desselle,David P. Zgarrick. Pharmacy Management Essentials for All Practice Settings. – Mc Grow Hill Medical.- 2014. – Р.652.
2. Зайнутдинов Х.С., Саипова Д.Т. «Фармацияда менежмент” фанидан ўқув-услубий мажмуа. – Т., 2009. – Б.126.
3. Саипова Д.Т. «Фармацевтик менежмент» фанидан ўқув-услубий кўрсатмалар тўплами. – Т., 2011. – Б.185.
4. Саипова Д.Т. Фармацевтический менеджмент // Курс лекций. – Т., 2015. – С. 232.

V.КЕЙСЛАР БАНКИ

1- КЕЙС

Маълумки, фармацевтика корхонаси, бошқа ҳар қандай корхона каби, маркетинг бўлими ва маркетинг тадқиқотлари гуруҳини ташкил қилмасдан фаолият кўрсата олмайди. Шу сабабли фармацевтика корхонасининг президенти иқтисодий масалалар бўйича вице-президентга корхона маркетинг фаолиятини бошқариш тузилмасини ишлаб чиқиш, маркетинг бўлими бажариши лозим бўлган функцияларни ҳисобга олган ҳолда бўлим учун кадрларни танлаб олиш вазифасини топширди.

Ўз навбатида вице-президент маркетинг бўлими раҳбарига бошқарув тузилмасини ишлаб чиқиш, бўлим фаолияти турларини аниқлаш ва бундан келиб чиқувчи вазифаларни белгилаш вазифасини топширди:

1. Бўлимни бошқариш тузилмасини ишлаб чиқиш.
2. Кадрларни танлаш ва ўқитиш.
3. Маркетинг бўлимида ички фаолият турларини аниқлаш.
4. Ишлаб чиқариш харажатларини аниқлаш, материал сарфи ва юклама харажатларни ҳисобга олиш тартибини белгилаш.
5. Товар заҳиралари ва уларнинг айланмаси тезлиги, товар заҳираларини назорат қилиш усусларини таҳлил қилиш.
6. Режалаштириш ва назорат мақсадида маркетинг тадқиқотлари бюджетини ишлаб чиқиш:

- ◆ бюджетни ишлаб чиқиш мақсадлари;
- ◆ бюджетни тайёрлаш бўйича ишларни ташкил этиш;
- ◆ қўшма корхонанинг бошқа бўлимлари билан маркетинг бўлимининг алоқаси;

- ◆ касса бюджети ва ундан нақди пулни бошқаришда фойдаланиш.

7. Капитал харажатлар режасини баҳолаш:

- ◆ ишлаб чиқаришнинг асосий воситаларига қўйилмалар ҳажми;
- ◆ капитал харажатларни режалаштириш;

- ◆ капитал қўйилмалар ҳажмига таъсир кўрсатувчи омиллар;
- ◆ капитал харажатларни тежашни баҳолаш усуллари.

8. Корхонанинг маркетинг фаолияти ҳақида ҳисобот тузиш жараёнини ишлаб чиқиши. Вазиятли масалани қўшма корхонанинг маркетинг бўлими ва эксперталар йиғилишида кўриб чиқиши ҳамда унинг фаолияти бўйича маркетинг тадқиқотлари асосида тавсиялар ишлаб чиқиши зарур. Вазиятни таҳлил қилиш ва услубий тавсиялар ишлаб чиқиши учун 24 соат вақт ажратилади.

Мазкур вазиятни аниқлик киритинг. Ўқитувчи мазкур вазиятда қандай йўл тутиши лозим. Аниқроқ қилиб айтганда, ўқитувчи қатъий равишда ўз нуқтаи назарини сақлаб қолиши керакми, ёки толерант ёндашув асосида уларга сўраган баҳосини қўйиб бершиши лозимми?

Аниқ вазиятларни босқичма-босқич таҳлил этиш ва ҳал этиш бўйича тингловчиларга услубий кўрсатмалар

Иш босқичлари ва вақти	Маслаҳат ва тавсияномалар
1. Кейс билан танишиш (индивидуал) – 3 дақиқа	Тақдим этилган аниқ вазиятлар билан танишиб чиқинг. Муаммоли вазият мазмунига алоҳида эътибор қаратинг. Муаммоли вазият қандай масалани ҳал этишга бағишлиланганлигини аниқланг.
2. Кейсдаги асосий ва кичик муаммоларни аниқлаш (индивидуал ва кичик групкаларда) – 5 дақиқа	Кейсдаги асосий ва кичик муаммоларни аниқланг. Ўз фикрингизни груп билан ўртоқлашинг. Муаммони белгилашда исбот ва далилларга таянинг. Кейс матнидаги ҳеч бир фикрни эътибордан четда қолдирманг.
3. Муаммо ечимини топиш ва эришиладиган	Груп билан биргаликда муаммо ечимини топинг. Муаммога доир ечим бир неча вариантда бўлиши ҳам мумкин. Шу билан бирга сиз топган ечим қандай

натижани аниқлаш – 7 дақиқа	натижага олиб келиши мүмкінлігінің ҳам аниқланғ.
4. Кейс ечими учун тақлиф этилган ғоялар тақдимоти (кичик гурухларда) – 5 дақиқа	Гурұх билан биргаликда кейс ечимига доир тақдимотни тайёрланғ. Тақдимотни тайёрлашда сизге тақдим этилған жавдалға асосланинг. Тақдимотни тайёрлаш жараёнида аниқлик, фикрнинг ихчам бўлиши тамойилларига риоя қилинг.

**Кейс ечими учун тақлиф этилған ғоялар тақдимоти учун чизма
намунаси**

Муаммо (асосий ва кичик муаммолар)	Ечим	Натыжа

2-топшириқ. Қуйидаги жадвалда кейсдеги аниқ вазиятларни босқичмабосқич таҳлил этиш ва ҳал этиш бўйича тингловчиларга услугубий кўрсатмалар ишлаб чиқиши кўзда тутилган. Бироқ жадвалнинг иккинчи қисмида маслаҳат ва тавсиялар қайд этилмаган. Сиз жадвални нихоясига етказинг.

Иш босқичлари ва вақти	Маслаҳат ва тавсияномалар
1.Кейс билан танишиш (индивидуал) -3 дақиқа	

2.Кейсдаги асосий ва кичик муаммоларни аниклаш (индивидуал ва кичик гурухларда) - 5 дақиқа	
3.Муаммо ечимини топиш ва эришиладиган натижани аниклаш - 7 дақиқа	
4.Кейс әчими учун таклиф этилган ғоялар тақдимоти (кичик гурухларда) - 5 дақиқа	

***Кейс әчими учун таклиф этилган ғоялар тақдимоти учун чизма
намунаси***

Муаммо (асосий ва кичик муаммолар)	Ечим	Натыжа

2- КЕЙС

Самарали фаолиятни ташкил қилиш, маркетинг тадқиқотларини ўтказиш учун кадрлар бўлими раҳбари фирма президентидан корхонани малакали ходимлар - маркетинг тадқиқотчилари билан таъминлаш вазифасини олди.

Янги ходимлар бўлими функциялари бошқа анъанавий фаолият кўрсатувчи ходимлар бўлими функцияларидан фарқ қилишини ҳисобга олиб, президент белгиланган вазифаларни аниқ қилиб қўйди:

1.Кадрлар бўлими бошқарув тузилмасини тасдиқлаш ва маркетинг тадқиқотчиларининг лавозим йўриқномаларини ишлаб чиқиш.

2.Ходимларни танлаш ва жойлаштириш тамойилларини, ходимлар малакасини ошириш тизимини, корхонанинг маркетинг тадқиқотлари учун зарур қадрлар билан таъминлаш тизимини ишлаб чиқиш.

3.Бунинг учун қўйидагиларни аниқлаш:

- ◆ қадрларга бўлган талаб;
- ◆ касб тайёргарлиги даражаси;
- ◆ меҳнатга ҳақ тўлаш даражаси.

4.Корхона жамоасида маънавий-психологик мухитни шакллантириш услубиятини ишлаб чиқиш.

5.Корхона маркетинг тадқиқотлари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларга ижтимоий хизмат кўрсатиш тизимини яратиш.

6.Амал қилаётган иш билан таъминлаш тизимига баҳо бериш ҳамда корхонани маркетинг тадқиқотлари хизматчилари билан таъминлашнинг ички ва ташқи манбаларини аниқлаш.

Президентдан топширқини олгач, ходимлар бўлими раҳбари бир қатор вазифаларни бевосита функционал бўлинмаларга топширди. Бунда у киритилувчи таклифлар муҳокама учун ходимлар бўлими Кенгашига киритилиш лозимлигини айтиб ўтди.

Юқорида келтирилган вазиятга аниқлик киритинг. Аниқ вазиятда акс этган асосий муаммо ва кичик муаммоларга ойдинлик киритинг.

Тингловчилар учун кўрсатмалар:

1. Кейс моҳиятини етарлича англаб олинг.
2. Берилган манбаларга таянган ҳолда муаммонинг ечимини топишга хизмат қилувчи омилларни аниқланг.
3. Аниқланган омиллар орасидан муаммога барчасидан кўпроқ дахлдор бўлган омил (ёки иккита омил)ни ажратинг.
4. Ана шу омиллар асосида ечимни асослашга уринг.
5. Ечимни баён этинг.

Кейсни ечиш жараёни:

1. Тингловчилар кейс моҳиятини у билан икки-уч марта танишиш орқали, шериги (жуфтликда), гуруҳдошлари (кичик гуруҳларда) ёки жамоадошлари (жамоада) билан муҳокама қилган ҳолда етарлича англаб олади.
2. Тингловчи шериги (жуфтликда), гуруҳдошлари (кичик гуруҳларда) ёки жамоадошлари (жамоада) билан муҳокама қилган ҳолда муаммонинг ечимини топишга хизмат қилувчи омилларни аниқлайди.
3. Тингловчи (жуфтлик, кичик гуруҳ, жамоа) аниқланган омиллар орасидан муаммога барчасидан кўпроқ дахлдор бўлган омил (ёки иккита омил)ни ажратиб олади.
4. Тингловчи (жуфтлик, кичик гуруҳ, жамоа) ечимни ажратиб олинган омил (иккита омил) асосида баён этади.
5. Ечим индивидуал, кичик гуруҳлар ёки жамоа иштирокида муҳокама қилинади.

Кейсни ечиш жараёни:

1. Тингловчилар кейс моҳиятини у билан икки-уч марта танишиш орқали, шериги (жуфтликда), гуруҳдошлари (кичик гуруҳларда) ёки жамоадошлари (жамоада) билан муҳокама қилган ҳолда етарлича англаб олади.

2. Тингловчи шериги (жуфтликда), гурухдошлари (кичик гурухларда) ёки жамоадошлари (жамоада) билан муҳокама қилган ҳолда муаммонинг ечимини топишга хизмат қилувчи омилларни аниқлайди.

3. Тингловчи (жуфтлик, кичик гурух, жамоа) аниқланган омиллар орасидан муаммога барчасидан кўпроқ даҳлдор бўлган омил (ёки иккита омил)ни ажратиб олади.

4. Тингловчи (жуфтлик, кичик гурух, жамоа) ечимни ажратиб олинган омил (иккита омил) асосида баён этади.

5. Ечим индивидуал, кичик гурухлар ёки жамоа иштирокида муҳокама қилинади.

VII.МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ

Мустақил ишни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни

Тингловчи мустақил ишни муайян модулни хусусиятларини ҳисобга олган холда қуидаги шакллардан фойдаланиб тайёрлаши тавсия этилади:

- меъёрий хужжатлардан, ўқув ва илмий адабиётлардан фойдаланиш асосида модул мавзуларини ўрганиш;
- тарқатма материаллар бўйича маъruzалар қисмини ўзлаштириш;
- автоматлаштирилган ўргатувчи ва назорат қилувчи дастурлар билан ишлаш;
- маҳсус адабиётлар бўйича модул бўлимлари ёки мавзулари устида ишлаш;
- тингловчининг касбий фаолияти билан боғлиқ бўлган модул бўлимлари ва мавзуларни чукур ўрганиш.

Мустақил таълим мавзулари:

1. Очиқваёпиқтизимлар.
2. Бошқарув жараёнига тизимли ёндашиш.
3. Фармацевтик ташкилотининг ахборот тизимини бошқариш.
4. Ўзбекистон Республикаси фармацевтика тизимининг ташкилий тузилиши.
5. Тадбиркорлик фаолияти ва турли мулкчилик шаклидаги ташкилотлар.
6. Фармацевтик ташкилотларни ташкил этиш ва фаолиятни амалга ошириш.
7. Ташкилотнинг ривожланиш мақсади ва стратегиясини белгилаш.
8. Фармацевтик корхонанинг фойдасини таъминлаш.
9. Маркетинг фаолиятининг ташкилий тузилиши ва функцияси.

- 10.Фирма ичидаги ахборот тизимини бошқариш.
- 11.Коммуникация жараёни ва унинг аҳамияти.
12. Фармацевтика ташкилотларида маҳсулот сифатини бошқариш. ISO стандартлари.
- 13.Самарали фаолият учун кадрларни тўғри танлаш.
- 14.Фармацевтика тизимининг самарали фаолиятини таъминлашда бошқарувнинг ўрни.
- 15.Фармацевтика ташкилотларида бошқарув жараёнини ташкил этиш.
- 16.Фармацевтик ташкилотларнинг бошқарув функциялари.
- 17.Бошқарув функцияси сифатида фармацевтик ташкилотнинг маркетинг тизими.
- 18.Бошқарувнинг ахборот таъминоти.
- 19.Фармацевтик ташкилотларда ишлаб чиқаришни бошқариш.
- 20.Фармацевтик ташкилотларда кадрлар сиёсати.
- 21.Фармацевтик ташкилот рақобатбардошлигини таъминлаш.

VIII. ГЛОССАРИЙ

Термин	Ўзбек тилидаги шарҳи	Инглиз тилидаги шарҳи
Таҳлил	Тадқиқот объектининг алоҳида таркибий қисмларини ажратиш ва ўрганишга асосланган тадқиқот усули	Mental or real division of the object into elements, a comparison of elements, objects or events in one or another sphere of reality, a study by dissection and comparison, research method
Тадқиқот аспекти (соҳаси)	Муаммони ўрганиш кирраси, уни акс эттириш томонларидан бири (масалан, ташкилий, ижтимоий, психологик)	The brink of studying the problem, one of the parties of its manifestations (eg, organizational, social, psychological aspects)
Декомпозиция	Тадқиқот усули бўлиб, бир бутунни асосланган ҳолда таркибий қисмларга бўлиш бўлиб, бу таҳлил яхлитликнинг критерийларига асосан амалга оширилади. Таснифлашдан шу билан фарқланадики, бунда тақсимлаш предмети умумийлик эмас, яхлитлик хисобланади.	research method, which consists in the reasonable division of the whole into parts according to the criteria of functional joining parts into a whole, the content of the criteria of the whole. It differs from the classification of the fact that the subject of the division is not common phenomena, and integrity of their existence

Фаолият	Инсоннинг бирон бир мақсадга эришиш йўлида онгли равишдаги хатти ҳаракатлари	The totality of conscious human action for the achievement of any goal.
Конунийят	Барқарор равишдаги ўзгаришлар тенденцияси, ходисаларнинг ўзгаришини белгилайдиган объектив боғлиқлик.	stable trend changes, the objective connection of phenomena, determine their changes.
Ташқи мотивация	даражаларни кўлга киритган, ташқи мукофотлар билан тақдирланган тингловчиларга алоқадор бўлиб, у(тингловчи)ларнинг ўзгалар томонидан маъқулланиши ёки маъқулланмаслигини билдиради. (шунингдек эришиш (ёки ютуқ) мотивацияси ва ички мотивацияга ҳам қаранг	Typifies students who are concerned with the grades they achieve, external rewards, and whether they will gain approval from others (see also achievement motivation, intrinsic motivation).
Инновациялар	Инсонларнинг янгиликларга, ривожланишга, модернизацияга, реконструкцияга, такомиллаштиришга, ислохотларга бўлган эхтиёжини акс эттирадиган янгиликларни	Search, identification and implementation of various innovations, innovations in human activities, reflecting its need for change, development, modernization, reconstruction, improvement,

	излаш, аниқлаш ва ихтиро қилиш.	reform and so on.
Менеджер	Бозор иқтисодиёти шароитида профессионал бошқарув фаолиятини амалга оширувчи инсон. Ваколатларига ёки етакчилига таянган ҳолда хамкорликдаги фаолиятни келиштиришда бошқарув қарорларини қабул қилувчи шахс	persons performing professional administrative activity in conditions of market economy; the decision maker in coordination of joint activities in the group and organizing the implementation of this decision on the basis of the authority or leadership.
Ёндашув	Муаммонинг ечимиға бошлангич ва энг қулай позиция, тадқиқот (тахлил)нинг бошлангич нуқтаси (методологик ёндашув.).	the original and most successful position for the "entry" into the problem, the starting position, the starting point of the study, the limitation concerns the study (methodological approach, etc.).

IX.АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

Махсус адабиётлар

1. Shane P. Desselle, David P. Zgarrick. Pharmacy Management Essentials for All Practice Settings. – Mc Grow Hill Medical.- 2014. – P.652.
2. American Society of Health-System Pharmacists (ASHP). 2006a. ASHP guidelines:Minimum standard for pharmacies in hospitals. In Best Practices for Hospital and Health-System Pharmacy, p. 297. Bethesda, MD: American Society of Health-System Pharmacists.
3. Shane P. Desselle,David P. Zgarrick. Pharmacy Management Essentials for All Practice Settings. – Mc Grow Hill Medical.- 2011. – P.652.
4. Harry J. Rosenblatt. Systems Analysis and Design, 10th Edition. - ISBN-13: 9781285171340 .- 2014. – P.760.
5. Imboden D.M., Pfenniger S., Stürchler N. Introduction to systems analysis : mathematically modeling natural systems // Berlin ; New York : Springer, 2015.
6. Valacich J. Essentials of System Analysis and Design, 4th Edition // Joey George, Iowa State University.- 2010.- P.464.
7. Stelfox HT, Palmisani S, Scurlock C, et al. 2006. The “To Err is Human” report and the patient safety literature. Qual Saf Health Care 15:174.
8. Зайнутдинов Х.С., Зайнутдинов Ш.Н. «Фармацевтика менежменти». Т., “Extremum Press”.2009. 279 б.
9. Зайнутдинов Х.С., Саипова Д.Т. «Фармацияда менежмент» фанидан ўқув-услубий мажмуа. – Т., – 2009. – Б.126.
- 10.Каримова В. Зайнутдина М. Назирова Э. Садикова Ш. Тизимли тахлил асослари // Тошкент ахборот технологиялари университети, 2014.- 180б.
- 11.Саипова Д.Т. «Фармацевтик менежмент» фанидан ўқув-услубий кўрсатмалар тўплами. – Т. – 2011. – Б.185.

12.Саипова Д.Т. Фармацевтический менеджмент // Курс лекций. – Т., 2015. – С. 232.

13.Ўзбекистон Республикасида фармацевтика фаолияти.
А.Н.Юнусходжаев таҳрири остида, 2001.- Т.1 - 2.

Интернет ресурслар:

14. www.Ziyonet.Uz

15. <http://www.ecopharmacia.ru/>

16. www.infocom.uz